


X. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 27 314 тани ташкил қилди. (2020 йил 1 январгага нисбатан 124,0 % га кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2021 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 34,2 %), саноат соҳасида (25,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,4 %) ва қурилишда (8,5 %) ташкил этилган.


Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь
Вилоят жами	5 447	6 202
Наманган шаҳар	1 589	1 437
Мингбулоқ	303	339
Косонсой	341	369
Наманган	392	453
Норин	319	364
Поп	400	552
Тўрақўрғон	347	485
Уйчи	362	488
Учқўрғон	386	422
Чорток	306	404
Чуст	434	507
Янгиқўрғон	268	382

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида – 1437 та, Поп туманида – 552 та, Чуст туманида – 507 та, Наманган туманида – 453 та, Уйчи туманида – 488 та, Тўрақўрғон тумани - 485 та, Учқўрғон туманида -422 та, Норин тумани, Янгиқўрғон тумани, Чорток ва Косонсой туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 404-364 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Мингбулоқ туманида – 339 тани ташкил этди.



**2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши,
фоизда**




■ Мингбулоқ ■ Косонсой ■ Наманган т.
■ Поп ■ Тўрақўрғон ■ Уйчи ■ Норин
■ Чорток ■ Чуст ■ Чархон ■ Учқўрғон
■ Наманган ш. ■ Наманган ш.

2020 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг қўп улуш Наманган шахри - 23,2 %, Поп тумани – 8,9 %, Чуст тумани – 8,2 %, ва Уйчи тумаларида – 7,9 %, Учқўрғон - 8,9 %, Тўрақўрғон туманида -7,8% Наманган тумаларида – 7,3 %, Чорток тумани 6,5 % ва Косонсой тумани – 5,9 %, ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,7 % (2019 йил январь-декабрда 75,0 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 233,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 61,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 380,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 77,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
иктисодиётдаги улуси
(январь-декабрь ойлари ҳолатига, фоизда)**



**Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми
(2020 йил январь-декабрь)**

	Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Жами ҳажмга нисбатан улуси, % да
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	18 798,7	91,6
Саноат	10 950,8	50,0
Курилиш	4 101,3	91,3
Чакана савдо	10 422,4	90,4
Юк ташиш, млн. тонна	26,0	93,4
Йўловчи ташиш, млн. киши	406,6	97,8

**2020 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,
(фоизда)**

	Саноат	Курилиш	Хизматлар	Инвестициялар
Вилоят жами	50,0	91,3	65,8	73,9
Наманган шаҳар	61,4	78,0	43,0	66,9
Мингбулоқ	19,9	100,0	82,2	45,7
Косонсой	98,3	100,0	83,3	93,1
Наманган туман	45,4	100,0	77,1	77,0
Норин	28,5	100,0	83,1	85,0
Поп	48,9	72,9	71,9	58,7
Тўрақўрғон	18,8	100,0	75,5	60,1
Уйчи	69,5	97,8	80,2	88,1
Учқўрғон	18,9	100,0	77,4	94,5
Чорток	100,0	95,8	76,5	82,2
Чуст	58,1	100,0	78,5	90,4
Янгиқўрғон	100,0	100,0	83,4	90,4

Ҳудудлар бўйича **саноат** соҳасининг юқори улушкини Чорток ва Янгиқўрғон туманлари (100,0 %) ҳамда Косонсой (98,3 %) туманлари ташкил этди.

Курилишда - Мингбулоқ, Косонсой, Наманган тумани, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон ва Янгиқўрғон Чуст туманларида 100,0 %, Чорток 95,8%, Наманган шаҳар 78,0 % ва Поп тумани 72,9 % ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Янгиқўрғон (83,4 %), Уйчи (80,2 %), Мингбулоқ (82,2 %) Наманган туман (77,1 %), Чорток (76,5 %), Норин (83,1 %), Учқўрғон (77,6 %), Чуст (78,5 %), туманлари ташкил этди.

Инвестицияда – Учқўрғон (94,5 %), Косонсой (93,1 %), Чуст (90,4%), Янгиқўрғон туманлари (90,1 %), Уйчи (88,1 %), Норин (85,0 %), ва Чорток (82,2 %) туманлари юқори улушларни ташкил этди.